

журнали

ГУМКИДРУС ГАСИНА ЙОЛДУЗЛАРИ

Кўзакчилик таълими, маданиятий таълими, тарбияни

и тарбияни таълими

и тарбияни таълими


и тарбияни таълими. Ошик юзга киркази маданиятий таълими

и тарбияни таълими.

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



СЎЗ БОШИ.

1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта маҳсус, қасб-хунар таълим мини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент тиббиёт академияси.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг 2015 йил «21» август даги 303 - сонли буйруғи.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш хуқуки Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигига тегишиладир.

МУНДАРИЖА

| | бет |
|---|------------|
| T/р | |
| 1. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи..... | 4 |
| 1.1. Кўлланиш соҳаси | 4 |
| 1.2. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи | 4 |
| 2. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 7 |
| 2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар | 7 |
| 2.2. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари | 7 |
| 3. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 9 |
| 3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар | 9 |
| 3.2. 5111000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми | 14 |

1. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши) бакалавриат таълим йўналишинииг умумий таснифи

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидағи расмий хужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва мос малака(даражаси) 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даражаси)

| Ўқув режа ва фан дастурининг номи | Малака (даражаси) | Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати |
|---|--------------------------|--|
| Бакалавриатнинг ўқув режа ва фан дастурлари | Бакалавр | 7 йил |

1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби **5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши)** таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси худудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалавриат таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш хукуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиши, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор - ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқутарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талabalari;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиги, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш хукуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар қасбий фаолиятининг соҳалари:

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволашиши) бакалавриат таълим йўналиши – фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, соғлиқни сақлаш тизими

муассасаларида, аҳоли ўртасида ўткир ва сурункали касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда беморларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, соглиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўгинида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича комплекс масалаларни ечишни ўз ичига олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқкан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг обьектлари:

- соглиқни сақлаш тизимида жараёнлар, соглиқни сақлаш тизимида тегишли дастурлар, стандартлар, илмий мақолалар, тезислар, илмий-тадқиқот ишлари, меъёрий хужжатлар, маълумотномалар, ҳисоботлар;
- тиббиёт асбоб-ускуналари, дори воситалари, муолажалар, ресурслар, воситалар, усул ва услублар мажмуаси;
- жамият, аҳоли, оила, bemorлар, тиббий ёрдамга муҳтоҷ қариялар, катталар ва болалар, аёллар ва эркаклар;
 - таълим тизимида ўкув жараёни, таълим соҳасига таълуқли стандартлар, дастурлар, хужжатлар, ўкувчи ва талабалар, ўкув жараёнида кўлланиладиган усул ва воситалар;
 - илмий-тадқиқот жараёни.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқкан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият обьектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қўйидагиларни қамраб олади:

- соглиқни сақлаш бирламчи тизимида тиббий - ижтимоий фаолиятни ташкил этиши;
- аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликлар бўйича барча турдаги профилактик чора-тадбирларни ишлаб чиқши ва тадбиқ этиши;
- шошилинч ёрдам кўлами бўйича зарур назарий ва амалий билимларга эга бўлиши ҳамда амалиётда қўллаш;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган касалликлар, муоммолар бўйича замонавий маълумотларга эга бўлиши ва меҳнат фаолияти давомида ўз устида ишлани;
- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликлар бўйича замонавий ташхислаш ва даволаи усулларидан мақсадга йўналтирилган ҳолда амалиётда қўллаш;
- реабилитация чоралари талаб қилинадиган ҳолатларда аҳолига зарур бўлган тиббий хизмат кўламини билиши ҳамда чора-тадбирларни ўз вактида амалга ошириш;
- ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида таълим жараёнини ташкил этиши ва мутахассисликка доир тиббий фанларни талаб даражасида ўқитиш;
- аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишида зарур ресурслардан фойдаланиш;
- соглиқни сақлаш бирламчи тизимининг меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва уларни самарали бошқаршида иштрок этиши;
- тиббиёт соҳасида долзарб бўлган муоммолар бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини талаб даражасида олиб бориш.

1.2.3. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари

- тиббий-профилактик;
- тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам;
- ташхислаш ва даволаи;

- реабилитация;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолият;
- тиббий-ижтимоий;
- ташкилий- бошкарув;
- илмий-тадқиқот.

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта маҳсус, касб-хунар таълим муассасаларида маҳсус фанларни ўқитиши мумкин.

1.2.5. Таълимнин давом эттириш имкониятлари

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши) таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

- 5A510101 - Акушерлик ва гинекология;
- 5A510102 – Эндокринология;
- 5A510103 – Терапия (йўналишлар бўйича);
- 5A510104 – Оториноларингология;
- 5A510105 – Кардиология;
- 5A510106 – Офтальмология;
- 5A510107 - Юқумли касалликлар (йўналишлар бўйича);
- 5A510108 – Дерматовенерология;
- 5A510109 – Неврология;
- 5A510110 - Умумий онкология;
- 5A510111 – Психиатрия;
- 5A510112 – Хирургия (йўналишлар бўйича);
- 5A510113 - Таҳхиснинг инструментал ва функционал усуллари (йўналишлар бўйича);
- 5A510114 – Нейрохирургия;
- 5A510115 - Соғлиқни сақлашни бошқарииш (йўналишлар бўйича)
- 5A510116 – Тиббий психология;
- 5A510117 – Урология;
- 5A510118 - Морфология (йўналишлар бўйича);
- 5A510119 – Наркология;
- 5A510120 - Анестезиология ва реаниматология;
- 5A510121 – Травматология ва ортопедия;
- 5A510122 - Оилавий тиббиёт;
- 5A510123 - Суд тиббиёт экспертизаси;
- 5A510124 - Патологик анатомия;
- 5A510125 - Шошилинч тиббий ёрдам;
- 5A510126 – Фармакология магистратура мутахассисликлари ҳамда клиник ординатура бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

2. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар

2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:

- дунёкараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясида асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечайдаган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгиловчи хуқукий ҳамда маънавий мезонларни билиши, кафб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;
- ахборот йигиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида иглаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тассаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш укув ва кўнікмаларига эга бўлиши лозим.

Бакалавр:

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил иглашга;
- тегишли бакалавриат йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

2.2. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари

Тиббий - ирофилактик фаолиятида:

- аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;
- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;
- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;
- тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этиш қобилиятига эга бўлиши лозим.

Тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида:

- шошилинч ҳолатларни ўз вактида аниқлаш;
- касалхонагача бўлган тез тиббий ёрдамни кўрсатиш;
- кўрсатмага кўра касалхонага юбориш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

Ташхислаш ва даволаш фаолиятида:

- аҳоли орасида касалликларни эрта ташхислаш;

- умумий амалиёт шифокори фаолиятида замонавий ташхислаш усулларидан фойдаланиш;
- кенг тарқалган касалликларни замонавий усуллардан фойдаланган ҳолда түғри даволаш;
- беморларни кўрсатмага кўра тор мутахассислар билан биргаликда олиб бориш ва даволаш;
- ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Реабилитация фаолиятида:

- касалликлар бўйича реабилитация чора тадбирларини ўтказишга кўрсатма ва карши кўрсатмаларни, муддатларини тўғри аниқлаш;
- реабилитация чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;
- bemorlar ўртасида реабилитация ўтказиши замонавий усуллардан фойдаланиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида:

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича назарий ва амалий машгулотларни ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўқув фанларини ўқитиши услубиётини эгаллаши;
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўқув машгулотларини ўтказиш қобилиятига эга бўлиши;
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-услубий ҳужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;
- ўқитилаётган фан бўйича машгулотларни ўтказиш учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;
- мустакил таълим ва ижодий қидирав натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Тиббий-ижтимоий фаолиятида:

- ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўрсатиш;
- аҳоли ўртасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқариш;
- тиббиёт соҳасидаги бошқарувни ижтимоий-иктисодий ривожланиш тенденцияларига мос тарзда такомиллаштириш;
- аҳоли соғлиги ҳолатининг асосий кўрсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисобот тайёрлаш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда ахбортни ҳимоялашга оид мавзуларда илмий-тадқиқот ишларини олиб борища иштирок этиш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- ахборот хавфсизлигига оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;
- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;
- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда қатнашиш;
- маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш қобилияtlарига эга бўлиши лозим.

3. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иктисодий;
математик ва табиий-илмий;
умумкасбий;
иҳтиносслик;
кўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равища якуний давлат атtestацияси билан тугалланиши шарт.

3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блоки:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидағи гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:

умумий ўрта ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда математик тушунчалар ва тасаввурлар умумийлиги, математик усуллар ва моделлар, информацион тизим, тиббиётда лотин тили терминологиясининг моҳияти ва аҳамияти, терминоэлементлар бўйича клиник атамалар, физикавий, кимёвий ва биологик жараёнларнинг ўзаро таъсирлашуви, замонавий тиббий билим олишни ўзига хослиги ва ривожланишнинг асосий босқичлари, биофизика фанининг моҳияти, вазифалари, срганизм аъзо ва тўқималарининг фаолияти асосида ётувчи умумий физикавий ва биофизикавий қонуниятлари, физикавий қонуниятларнинг тирик организмдаги жараёнларга татбиқ этиш, кимёнинг асосий қонунлари, органик бирикмаларнинг тузилиш назарияси, организмда кечадиган биокимёвий жараёнларнинг

ўзаро боғлиқлиги, патологик ҳолатларда моддалар алмашинувининг бузилиши ҳақида тасаввурларни шакллантириши;

табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги, тиббиёт соҳасида фундаментал ва клиник фанларни ўзлаштириш учун анатомия фанининг зарурлиги, организмнинг ўсиши, шакланиши, ривожланишининг асосий қонуниятларининг моҳияти, уларнинг ташки муҳит билан муносабатини таъминлаётган тизимлар ҳамда уларнинг ёшга нисбатан ўзгариши, гистология, эмбриология, цитология фанининг назарий ва илмий асосларига таянган ҳолда ҳужайра, тўқималарнинг турлари, умумий тузилиши ва вазифалари, аъзоларнинг тараққиёт манбалари, шаклланиш муддатлари, умумий тузилиш асослари, вазифалари ва ёшга кўра бўладиган ўзгаришлари, одам эмбриологияси босқичлари, уларнинг хусусиятлари, провизор аъзолар, физиологиянинг мақсад ва вазифаси, унинг умумий амалиёт врачи фаолиятидаги аҳамияти, замонавий тиббий микробиология, вирусология ва иммунология фани, унинг мақсад ва вазифалари, одам ҳаёт фаолияти жараёнида физиологик функцияларнинг бошқарилиши ва асосий қонуниятлари ҳақидаги назарий ҳамда илмий тасаввурларни шакллантириши;

патологик анатомияни ўрганишда одам танасининг нормал тузилиши, ҳужайра тузилиши асослари, шунингдек турли жараёнларнинг биохимик ва физиологик кечиши, морфологик ўзгаришлар, турли касалликларда ички аъзолардаги ўзгаришларнинг морбофункционал моҳиятлари патологик физиологиянинг асослари, қонуниятлари, патологик жараёнлар ва ижтимоий-экологик омилларнинг аҳамияти, касалликлар ривожланишининг асослари бўйича билим ва кўникмаларни шакллантириши;

атроф-муҳит омилларини гигиеник нуқтаи-назардан баҳолаш, атроф - муҳит билан одам организми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, ижтимоий-гигиеник омиллар, касалликларнинг ривожланишида атроф-муҳит омилларининг тутган ўрни, кенг тарқалган касалликларнинг бирламчи, иккиласмачи ва учламчи профилактика асослари, гигиеник талаблар бўйича назарий ва илмий билимларни шакллантириши;

таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чукур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши лозим;

Умумкасбий фанлар блоки:

математик ва табиий-илмий фанлар билан маҳсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чукур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва укувларни шакллантириши;

жамоат саломатлиги ва соғлиқни сақлашни бошқаришнинг аҳамияти, тиббий-санитария ёрдамни тўғри ташкил этиш асослари, инсонни инсонга, жамиятга, ташки муҳитга бўлган муносабатини тартибга солувчи этик ва ҳуқуқий меъёрлар, жамият саломатлигини шакллантирувчи асосий қонуниятлар ва омиллар, ижтимоий шароитлар, турмуш тарзи, ташки муҳит омилари, аҳоли саломатлини сақлаш бўйича маҳаллий бошқарув органлари ва умумий амалиёт шифокорининг асосий вазифалари, мажбурият ва ҳуқуқлари, тиббиёт тарихи ва валеологиянинг назарий ҳамда илмий асослари бўйича назарий билимларни шакллантириши;

тиббиёт муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш бўйича эпидемиологик ёндошишнинг хусусиятлари, аҳоли ўртасида юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ва тарқалишининг умумий қонуниятлари, асосий қонуншунослик актлари, эпидемик жараёнининг ривожланиш механизми, шароит ва сабаблари, профилактик ва эпидемияга қарши чора тадбирларнинг тизими ва таркиби бўйича зарур бўлган билим ва кўникмаларга эга бўлиш учун асос яратиши;

тиббиётда фармакология фанининг асослари, мазмунни, амалий тиббиётдаги ўрни ва аҳамияти, дори воситаларининг таъсир механизмлари ва қўлланиши, соғлиқни сақлаш

тизимида суд-тиббий экспертиза фаолиятининг ташкилий, процессуал жиҳатлари, қонунчилик асослари, суд-тиббий экспертизага молик ҳолатлар бўйича назарий билимларга эга бўлиш ва мукаммаллаштиришни таъминлаши;

“шифокор ва бемор” тушунчалари, асосий ўрганиш обьекти бўлган биоэтика, бемор ва шифокор ўртасидаги муносабат, шифокор деонтологияси, шахслар аро мулокат асослари ва моделлари бўйича тўлиқ билим ва қўнималарни шакллантириши;

ички касалликлар пропедевтикасининг тиббиёт соҳасидаги аҳамияти, беморларни сўраб-суриштириш, касаллик ва ҳаёт тарихи тушунчалари, обьетив кўрикдан ўтказиш тамойиллари, касалликларнинг асосий клиник симптом ва синдромларини аниқлаш, лаборатор ва асбоб - усқунавий текшириш усуллари натижалари тахлили, қиёсий ташхислаш, дастлабки ва якуний ташхис қўйиш асослари, тиббий ҳужжатларни тўлдириш тамойиллари, ички касалликларнинг тавсифи, этиологияси, патогенези, таснифи, клиник кечиши, асоратлари, ташхислаш ва даволаш усуллари, реабилитация ва профилактика чора-тадбирлари, ҳалқ тиббиёти, шифокор назорати, даволовчи жисмоний тарбия ва физиотерапия бўйича назарий ва амалий билимларни юқори даражада шакллантириши;

клиник фармакологиянинг асослари, асосий гурӯҳ дори воситаларининг фармакологик характеристикаси, таъсир механизми, дозалаш тартиби, бир қатор ички ва ташқи омилларни ҳисобга олган ҳолда қўлланилишига кўрсатма ва қарши кўрсатмалар, ўтказилаётган фармакотерапиянинг самарадорлиги ва ҳавфсизлигини назорат қилиш усуллари, ножӯя таъсирлари ва рационал комбинациялари, клиник рецептура бўйича билимларни чуқур ўрганиш ва қўллашга асос яратиши;

Фтизиатрия асослари ва муоммолари, сил бўйича эпидемиологик вазият ва силга қарши дори восталарининг қўлланиши, сил касаллигининг олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш, эпидемияга қарши режалар тузиш ва аҳолини ахборот билан таъминлаш, эндокринологик касалликларнинг тарқалиши, кечиши ва даволаш асослари, кенг тарқалган қон касалликларининг ва нур касаллигининг асосий клиник ва гематологик мезонларини аниқлаш ва даволаш чораларини қўриш, касб касалликларининг назарий асослари, касб касалликлари билан беморларни олиб бориш тамойиллари, аллергик касалликларнинг ва иммун тизимининг ёшга қўра хусусиятлари ва шошилинч аллергик ҳолатларда тез тиббий ёрдам асослари, юқумли касалликларни тарқалиш қонуниятлари, юқумли касалликлар билан беморларни ҚВП/ОП шароитида олиб бориш тамойиллари, тери таносил касалликлари, орттирилган иммун танқислик синдромининг тарқалиши, ўзига хос кечиши ҳамда олдини олиш чора тадбирларини мукаммал билишга йўналтириши ва таъминлаши;

кенг тарқалган асаб касалликларининг ўзига хос кечиши, неврологик беморларда топик, нозологик, қиёсий ва синдромологик ташхис қўйиш, невростатус ва руҳий статусни баҳолаш тамойиллари, психиатрия, наркология ва тиббий психологиянинг долзарб муоммолари, психофармакотерапия, психотерапиянинг, психопрофилактика ва психогигиенанинг асосий тамойиллари, психосоматик бузилишлар, диспансер назорати ва тиббий ҳужжатларни тўғри юритиш, наслий касалликларнинг келиб чиқишида генетик омилларнинг ўрни, касалликларнинг тарқалиши ва олдини олиш усуллари, организмнинг асосий анатомик структураларини рентгенограмма, ангиограмма, компьютер, магнит-резонанс томограмма, сонограмма ва сцинтиграммаларда аниқлаш тамойиллари бўйича назарий ва амалий билимларни талаб даражасида шакллантириши;

акушерлик ва гинекологиянинг долзарб масалалари, аёл организмининг ўзига хос хусусиятлари ва кузатиладиган ўзгаришлар, репродуктив саломатликни аниқлаш усуллари, ҳомиладорлик ва туғруқ фаолиятини тўғри олиб бориш, гинекологик касалликларнинг кечиши ва уларни даволаш усуллари, контрацепция, репродуктив саломатлик асослари ва оилани режалаштириш тамойилларини тўлиқ ўрганиш учун асос яратиши ҳамда ривожлантириши;

«Соглом авлод», «Она ва бола» Давлат дастурларининг асосий йўналишлари, турли ўшдаги болаларнинг жисмоний ва психомотор ривожланиш меъёрлари, болаларни ёши ва

соғлигига боғлиқ овқатлантириш тамойиллари, соғлом авлодни тарбиялаш, шакллантириш ва ривожлантириш муаммолари, профилактик эмлаш тақвими, болаларда учрайдиган асосий касалликларнинг сабаблари, уларнинг келиб чиқиш механизми, тарқалиши ва авж олишига ижтимоий, наслий, иқлим ва экологик омилларнинг таъсири, болаларда учрайдиган касалликларнинг фармакотерапия асослари ва антибиотикотерапияси, эрта реабилитация ва диспансеризация ҳамда неонатология асосларини тўлиқ билиш ва амалда олай олишига шароит яратиши;

оператив жарроҳлик ва топографик анатомия фаннинг клиник жарроҳликдаги аҳамияти, жарроҳлик амалиёти турлари, техникаси ва босқичлари, умумий жарроҳликнинг асосий масалалари, асептика, антисептика ҳамда трнасфузиология асослари, жароҳатлар ва жарроҳлик инфекциялари, жарроҳлик амалиётига беморларни тайёрлаш ва амалиётдан сўнг парвариш қилиш чора-тадбирлари, хирургик касалликлар ривожланишида экзоген ва эндоген омилларининг аҳамияти, жарроҳлик касалликларининг кечиши, замонавий ташхислаш усуллари, хирургик касалликларда самарали ва мақсадга мувофиқ даво чораларини ўтказиш ва асоратларни олдини олиш, нейражарроҳликнинг долзарб муоммолари, асаб тизими жарроҳлик касалликларининг кечиши, ташхислаш усуллари ва даволаш чоралари, болалар орасида кенг тарқалган туғма ва ортирилган жарроҳлик касалликларини аниқлаш ва тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари, анестезиология ва реанимациянинг асосий масалалари, ушбу соҳадаги тамойиллар ва кўлланиладиган усуллар бўйича барча билим ва кўникмаларни шакллантириши;

отоларингология, офтальмология, стоматологиянинг долзарб муоммолари, замонавий ташхислаш усуллари ва мақсадга йўналтирилган даволаш чораларини қўллаш, урологик касалликларнинг тарқалиши, турли ёшга, жинсга ва ижтимоий-профессионал гуруҳларга мансуб шахсларда урологик касалликларнинг ўзига хос кечиши, урологик касалликларни самарали даволаш, реабилитация ва профилактика тадбирларини амалга ошириш, онкология ва болалар онкологиясининг ривожланиши, ўсма ва ўсма олди касалликларнинг тарқалиши, кечиш хусусиятлари, ўз вақтида аниқлаш тамойиллари, bemорларни тўғри олиб бориши, парвариш қилиш ва руҳий ёндошувга аҳамият бериш, даволаш усулларини тўғри танлаш бўйича назарий ва амалий билимларни ривожланитиши;

травматология ва ортопедия, ҳарбий дала жарроҳлиги, болалар травматологиясида кузатиладиган ҳолатлар ва уларни олдини олиш тамойиллари, касалликларнинг ўзига хос кечиши, ташхислаш ва замонавий даволаш усуллари, шошилинч ҳолатлар ва тез тиббий ёрдам тушунчалари, турлари, тез тиббий ёрдам кўламини аниқлаш ва зарур бўлган тиббий муолажаларни амалда бажариш, ҳалокатлар тиббиётининг назарий асослари, фавқулотда вазиятлар, ҳалокатлар тиббиёти хизмати, фавқулотда вазиятлар вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиш ва амалда қўллашни шакллантириши;

таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши ҳамда эгалланган билим ва кўникмаларни амалиётда қўллай олишига замин ярати лозим.

Ихтисослик фанлар блоки:

тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича маҳсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

умумий амалиёт шифокори фаолиятида учрайдиган ички касалликларни эрта ташхислаши, мақсадга йўналтирилган текширув ҳамда даволаш режасини тузиши, ҚВП/ОП шароитида кенг тарқалган касалликлар бўйича профилактика чора-тадбирларини тўғри олиб бориши, диспансер назоратига олиш ва реабилитология асосларига таянган ҳолда bemорларга тиббий ёрдам кўрсатиши, гериатрия асосларини билиши ва амалда қўллай олиши, меҳнатга лаёқатлилик экспертизасини ўтказа олиши, касалхонага йўлланма бериш ёки тор доирадаги мутахассисга юборишга бўлган кўрсатмаларни билиши, ногиронликни олдини олишига қаратилган чораларни кўра олиши, шошилинч холатларда

тезкор тиббий ёрдамни кўрсатиши, соғлиқни сақлашнинг бирламчи тизимида тиббий хужжатларни тўғри юритиши бўйича билим ва қўникмаларни ривожлантириши;

умумий амалиёт шифокори фаолиятида кўп учрайдиган жарроҳлик касалликлари билан оғриган bemорларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш тамойилларини билиши, жарроҳлик амалиётини талаб қилувчи сурункали жарроҳлик касалликларининг белгиларини эрта ва тўғри аниқлаши, бирламчи жарроҳлик ёрдамини кўрсатиш ва асоратланмаган жароҳатлар ва куйган юзаларга ишлов бериш ва боғлам қўйишни билиши, жарроҳлик амалиётини тўғри танлаши ва асоратларни олдини олиши, соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида амалга оширилиши лозим бўлган жарроҳлик амалиёти бўйича қўникмаларни бажара олишга шароит яратади олиши;

соғлиқни сақлаш бирламчи тизимида кенг тарқалган акушерлик ва гинекологик асосий клиник синдромларни билиши ва эрта ташхислаши, даволаш стандартларини қўллай олиши, физиологик ҳомиладорлик билан аёлларни қишлоқ врачлик пункти ва оиласий поликлиника шароитида олиб бориш тамойилларини билиши, патологик ҳомиладорликни ўз вақтида аниқлаш, олиб бориш тактикасини ва кўрсатмага кўра тор мутахассисга юбориши, туғрук фаолиятини тўғри олиб бориши, гинекологик касалликларни эрта аниқлаш ва тўри олиб бориши, бепуштлик ва оилани режалашибдириш бўйича зарур чора-адбирларни амалга оширишни шакллантириши;

таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига қўмаклашиши лозим.

Қўшимча фанлар блоки

таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чукур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

касбий психология фанининг аҳамияти ва моҳияти, касбий психологиянинг илмий-тадқиқот услублари, касбий психологияга оид олиб бориладиган маслаҳат турлари, касбий саралаш ва касб танлашга йўналтиришнинг психологик ёндошув, касбий таълимнинг ривожланиши, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», таълим жараёнининг узлуксизлиги ва давомийлиги, касбий таълимнинг информацион-техник асослари, замонавий информацион таълим технологиялари, таълим технологияси фани моҳияти ва ҳар томонлама етук шахс тарбиялашда таълим технологияларнинг мақсади, мазмуни, усуслари, касбий таълим методикаси фани мазмуни, мақсади, вазифалари, ўкув режалари, дастурлари, маҳсус фанларни ўқитиши услублари ва унинг тамойилларини шакллантириши;

ҳарбий тиббий тайёргарлик, фуқаро муҳофазаси ва фуқаро муҳафазасининг тиббиёт хизмати бўйича амалга оширилиши лозим бўлган чораларни амалда қўллашни таъминлаши;

табиий, техноген ва экологик фавқулодда вазиятда жабрланган аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ва ўчоқни бартараф этиш учун ФМТХ куч ва воситаларини, зарурий молмулк билан таъминотини билиши ва фойдаланиши учун замин яратиши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўкув режалар ва фандастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

Танлов фанлари:

Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиқсан ҳолда танлов фанларининг маркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.

3.2. 5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташкари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишининг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуидагича тақсимланади:

| | |
|-------------------|------------|
| назарий таълим - | 63 - 70 %; |
| аттестация - | 8 - 10 %; |
| таътил - | 12 - 16 %; |
| малака амалиёти - | 6 - 12 %; |

Назарий таълим ҳажми “Соғликни саклаш ва ижтимоий таъминот” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуидагича тақсимланади:

| | |
|--|------------|
| гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар | 15 - 20 %; |
| математик ва табиий-илмий фанлар | 10 - 15 %; |
| умумкасбий фанлар | 45 - 50 %; |
| ихтисослик фанлар | 10 - 15 %; |
| қўшимча фанлар | 5 - 7 %. |

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурӯҳ Т 55

OKC 01.040.01

Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, бакалаврнинг асосий таълим дастури (бакалавр дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўкув цикли, тиббий билим, тиббий йўналишлар, соғлиқни сақлаш тизими, клиника, лаборатория, амалий кўникмалар, касаллик, даволаш муассасалари, профилактика, даволаш усуллари, диагностика, этиология, патогенез, морфология, гистология, рентгенология, профилактика, терапия.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилгаи асосий турдош олий таълим
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари**

ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги хузуридаги

Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини

Ривожлантириш маркази

Директор Рахимов проф. Б.Х.Рахимов

2015 йил « 29 » май

Тошкет тиббиёт академияси

Ректор Ш.И.Каримов академик. Ш.И.Каримов

2015 йил « 28 » май

КЕЛИШИЛГАН:

ССВ кадрлар ва олий ўкув юртлари бош бошқармаси
Бошлиғи Исмаилов Ў.С.

2015 йил « 4 » май .

Тошкент Педиатрия тиббиёт институти

Ректор Б.Т.Даминов проф. Даминов Б.Т.

2015 йил « 4 » май .

Тошкент Давлат стоматология институти

Ректор Н.Л.Хабилов проф. Хабилов Н.Л.

2015 йил « 4 » май .

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Соғлиқни сақлаш вазирлиги
кадрлар ва олий ўкув юртлари
бош бошқармаси бошлиғи

Исмоилов Ў.С.



2015 й.

**5511000 - Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналиши
бўйича таълим олаётган бакалавр талабаларнинг билим, кўникма ва
малакаларига кадр истеъмолчилари томонидан
кўйиладиган умумий малака
ТАЛАБЛАРИ**

**Битирувчи қуидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга
бўлиши керак:**

-Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш соҳасига доир Давлат
сиёсати ва унинг амалга оширилишида барча бошқарув органларининг
фармон, қарор, буйруқлари ижросини таъминлашда иштирок этиш;

-Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш соҳасининг ривожланиш
стратегияси ва бошқарув тузилмаси (концепция, тамойиллар, асосий
йўналишлари) кўрсатмаларига асосан фаолият юритиш;

-таълим жараёнида эгаллаган билим, кўникма ва малакаларини
Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида талаб даражасида қўллаш;

-фан ва техниканинг замонавий ривожланиши шароитларида янги
билимларга эга бўлиш ва уларни касбий фаолиятида қўллаш;

- ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида педагогик
фаолиятида ўкув фанларини ўқитиш услубиёти, электрон ўқитиш
усулларини эгаллаган ҳолда фаолият юритиш;

- ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизимининг таълим муассасаларида
мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув
фанлари бўйича назарий, амалий ва лаборатория машғулотларини ўтказиш;

- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб
ноанъянавий ўкув машғулотларини ўтказиш;

- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўтказиш учун зарур бўлган
ўкув-услубий ҳужжатларни талаб даражасида тузиш, тайёрлаш ва
расмийлаштириш;

- ўқитилаётган фан бўйича ўкув машғулотларни ўтказиш учун
ўқитишнинг техник воситаларидан тўғри фойдаланиш;

- мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан
ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги турли усуллар, воситалар ва бошқа
соҳаларда ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш;

- узлуксиз таълим тизимининг ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқишида иштирок этиш;

- Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида аҳолига шахслар аро мулоқат кўнималаридан фойдаланган ҳолда тўлақонли тиббий маслаҳат бериш;

- Соғлиқни Сақлаш соҳасида тиббий-профилактик фаолият давомида аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш;

- соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактика чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

- аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларнинг олдини олиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

- тиббий-профилактика фаолиятида илғор, замонавий технологияларни жорий этишда иштирок этиш;

- умумий амалиёт шифокори фаолиятида замонавий ташхислаш усуулларидан мақсаддага мувофиқ фойдаланган ҳолда аҳоли орасида кенг тарқалган касалликларни эрта аниқлаш;

- ўз фаолиятида далилларга асосланган тиббиёт стандартларидан фойдаланган ҳолда аҳоли орасида кенг тарқалган ўткир ва сурункали касалликларни тўғри даволаш чораларини танлаш ва амалиётда қўллаш;

- Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида турли касалликлар билан хасталанган bemорларни тўғри олиб бориш, тор доирадаги мутахассислар билан биргаликда фаолият юритиш;

- аҳолининг турли қатламлари (аёллар, ҳомиладорлар, болалар, кексалар ва ногиронлар) билан ишлашда ўзига хос ёндошув асосида фаолият юритиш;

- тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам фаолиятида шошилинч ҳолатларни ўз вактида аниқлаш ва касалхонагача бўлган тез тиббий ёрдамни кўрсатиш;

- bemорларни ўз вактида кўрсатмага кўра касалхонага ёки тор доирадаги мутахассисларга юбориш;

- аҳоли орасида касалликлар бўйича реабилитация чора тадбирларини ўtkазишга кўрсатма ва қарши кўrсатмаларни, муддатларини тўғри аниқлаш;

- bemорлар ўrtасида реабилитация ўtkазишда замонавий усууллардан фойдаланган ҳолда чора-тадбирларини тўлиқ ҳажмда амалга ошириш;

- ижтимоий соҳа ҳимоя органлари ва раҳм-шафқат хизматлари билан ҳамкорликда тиббий-ижтимоий хизмат турларини ташкиллаштириш ва хизмат кўrсатиш;

- аҳоли ўrtасида жисмоний, тиббий-ижтимоий ва психологик нуфузни тиклаш ва ривожлантириш;

- Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинидаги даволаш-профилактика муассасаларида ишни ташкиллаштириш ва бошқаришда иштирок этиш;

- аҳоли соғлиги ҳолатининг асосий кўrсаткичларини режалаштириш, таҳлил қилиш ва ҳисботларни талаб даражасида тайёрлаш;

- касбий фаолият обьекти йўналишига мос янги илмий натижалар, илмий адабиётлар ёки илмий-тадқиқот лойиҳаларини ўрганиб, амалиётга тадбик этиш;

- илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда экспериментал тадқиқотлар ўтказиш, уларнинг натижаларига ишлов бериш, баҳолаш ва бошқа касбий фаолият турларини бажариш;

- илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш ҳамда тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этишда иштирок этиш;

- Соғлиқни сақлаш тизимиға доир меъёрий ҳамда тиббий ҳужжатларни ўз вақтида расмийлаштириш ва талаб даражасида юритиш;

- тиббиёт соҳасига оид замонавий маълумотларга эга бўлиш ҳамда касбга оид билим, кўникмаларини ривожлантириш мақсадида доимо ўз устида ишлаш.

Соғлиқни Сақлаш Вазирлиғи
кадрлар ва олий ўқув юртлари
бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари

Юсупалиева Г.А.

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ, ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ
ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ КЕНГАШЛАРИНИНГ
КЕЛИШУВ БАЁННОМАСИ**

Тошкент ш.

«3» июн 2015 й.

Раис: Тешаев О.Р. – ТТА ўкув ишлари проректори
Котиба: катта ўқитувчи, т.ф.н. Ахмадалиева Н.

ҚАТНАШДИЛАР:

Азизова Ф.Х., Зуфаров П.С., Хамраев А.А., Саломова Ф.И., Рустамова Х.Е.,
Иноятова Ф.Х., Асилова С.У., Каримов М.Ш., Абдуллаева Р.М., Рустамова
М.Т., ТПТИдан: Искандаров А.И., Агзамова Н.В., Ахмедов Ш.М.,
Искандарова Ш.Т.

КУН ТАРТИБИ:

5510100 – даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши, 5510800 – ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари бўйича Малака талаблари ва ўкув режаларини тасдиқка тавсия этиш.

ЭШИТИЛДИ:

Кун тартибидаги мазкур масала юзасидан ҳар бир йўналиш бўйича ишчи гурух раҳбарлари (Зуфаров П.С., Хамраев А.А., Саломова Ф.И., Собиров Д.Р.)нинг ахбороти тингланди. Тешаев О.Р. тайёрланган Малака талаблари ва ўкув режалари лойиҳалари юзасидан фикр-мулоҳазалар билдиришни йиғилганлар муҳокамасига қўйди.

Муҳокамада А.И.Искандаров, Ф.Х.Азизова, Н.В.Агзамова ва М.Ш.Каримовлар иштирок этди.

Муҳокама этилган масала юзасидан мажлис қарор қиласи:

1. 5510100 - Даволаш иши, 5111000 - Касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5510300 - Тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши, 5510800 - Ҳарбий тиббиёт йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режалари йиғилишда билдирилган таклифларни инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқилсин.
2. Ишлаб чиқилган йўналишларнинг Малака талаблари ва ўкув режалари ўрнатилган тартибда тасдиқка тавсия этилиши учун Вазирлик ҳузуридаги соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўкув-услубий бирлашма йиғилиши муҳокамасига тақдим этилсин.

Раис

Котиба



Тешаев О.Р.

Ахмадалиева Н.

Тошкент тиббиёт академияси ва кадрлар истеъмолчилари ўртасида бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари

КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ

Тошкент ш.

«4» июн 2015 й.

Биз, қуида имзо чекувчилар – Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирлигининг Фан ва ўқув юртлари Баш бошқармаси бошлиғи У.С.Исмоилов ва ТТА ўқув ишлари бўйича проректори О.Р.Тешаевлар Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган қуидаги таълим йўналишларининг Малака талаблари мазмуни билан танишиб, келишув ҳақида ушбу далолатномани туздик:

1. 5510100 – Даволаш иши
2. 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши)
3. 5510300 – Тиббий профилактика иши
4. 5510700 – Олий ҳамширалик иши
5. 5510800 – Ҳарбий тиббиёт

Таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига мос равища ишлаб чиқилган ва бунда кадрлар истеъмолчилари томонидан қўйилган талаблар инобатга олинган, фанлар таркиби, уларнинг мазмуни, маъруза, амалий, лаборатория машғулотларига ажратилган юкламалар ҳажми, фанларни семестрларда ўқитилиши кетма-кетлиги ҳамда малакавий амалиётларни ўтказиш муддатлари тўғри шакллантирилган.

5510100 - Даволаш иши, 5111000 - Касб таълими (5510100 - даволаш иши), 5510300 - Тиббий профилактика иши, 5510700 – олий ҳамширалик иши, 5510800 - Ҳарбий тиббиёт йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқга тавсия этилиши мақсадга мувофик.

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни
сақлаш вазирлиги фан ва ўқув юртлари
Баш бошқармаси бошлиғи

Исмоилов У.С.

ТТА ўқув ишлари бўйича проректори

Тешаев О.Р.



5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига

ТАҚРИЗ

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, соғлиқни сақлашни бирламчи тизими муассасаларида, аҳоли ўртасида кенг таркалган касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот килиш, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда bemорларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, тиббиёт соҳасида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди.

Юқорида келтирилган тасниф ҳамда вазифаларга асосланган ҳолда 5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари «Таълим тўғрисида», «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида»ги Узбекистон Республикасининг қонунлари ва олий таълим соҳасини тартибга соловчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган.

Малака талабларида бакалавриат таълим йўналиши битурувчиларининг аҳолига юқори малкали тиббий ёрдам кўрсатишлари учун асос бўлувчи барча асосий ва мақсадга йўналтирилган фаолият турлари:

- тиббий-профилактик;
- тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам;
- ташхислаш ва даволаш;
- реабилитация;
- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолият;
- тиббий-ижтимоий;
- ташкилий- бошкарув;
- илмий-тадқиқот фаолиятлари кенг ёритилган.

Жумладан малака талабларида касбий фаолиятлари билан бир қаторда фаолият соҳалари, обьектлари, асосий турлари, ҳамда касбий мослашув ва таълимни давом эттириш имкониятлари келтирилган.

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълимнинг давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар” 6.1.-бандида белгиланган умумий малака талабларига мувофиқизоҳланган.

Хуроса қилиб, ишлаб чиқилган 5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарори асосида ишлаб чиқилганлиги эътироф этган ҳолда, тасдиқлашга тавсия этилди.

Тошкент шахар Соғлиқни Сақлаш

Бош бошқармаси бошлиғи

Мамаджанов Б.А.



**5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг
малака талабларига
ТАҚРИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш бирламчи тизимида умумий амалиёт шифокори аҳолига бевосита тиббий-санитария ёрдам кўрсатувчи мутахассис бўлиб, 5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича олий ўкув даргохини тугатган, аҳолига жинси, ёшидан қатъий назар ёки алоҳида шахсларга ва оила аъзоларига юқори малакали тиббий ёрдам кўрсата оладиган ҳамда доимий профилактика чора-тадбирларини ўтказадиган мутахассисдир.

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича таҳсил олган мутахассислар аҳоли саломатлигининг ҳолатини, инсоннинг жисмоний ривожланиши, демографик жараён ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-иктисодий омилларни ўрганиб ва шу маълумотларга асосланиб ўз фаолиятини олиб боради.

Бундан ташқари оила шифокори соғлиқни сақлашни ташкил этиш, режалаштириш, молиялаштириш, бошқариш ва соғлиқни сақлаш иктисолиёти каби масалаларига ҳам ўз хиссасини қўшади.

Демак, ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бу Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида замон талабларига жавоб берувчи тиббий ёрдам қўламини ҳамда умумий амалиёт шифокорларининг назарий, амалий ҳамда илмий салоҳистини оширишдир.

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши малака талаблари юқори малакали мутахассис тайёрлаш учун зарур бўлган барча фаолиятларни ўз ичига олган бўлиб, ўкув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва талабаларнинг қуидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутади: гуманитар ва ижтимоий-иктисодий; математик ва табиий-илмий; умумкасбий; ихтисослик; қўшимча.

Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйилган умумий талаблар тиббиёт соҳасида долзарб бўлган ва ахолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсата олишга замин яратадиган фанларга оид назарий, амалий билим ва кўunikмаларни ўз ичига олган.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хукуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

Тошкент шаҳар ҳез тиббий
ёрдам станцияси бош шифокори,
т.ф.н., доцент



Агзамхаджаев С.С.

**5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талабларига**

ТАҚРИЗ

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши) бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сон қарори ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий хужжатларга ҳамда халқаро тажрибаларга мувофиқ ишлаб чиқилган. Малака талаблари қўйидаги тартибда яъни бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи, қўлланиш соҳалари, касбий фаолиятларнинг таснифи, бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар, бакалавриат таълим йўналиши ўкув режаси ва фандастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар, ўкув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар ҳамда бакалавриат таълим йўналиши ўкув режасидаги юклама ҳажми.

5111000- Касб таълими (5510100 – Даволаш иши) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифига асосланган қўлланиш соҳасида малака талабларнинг асосий истеъмолчилари кенг ёритилган. Ушбу таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик фаолиятида қўйидагилар:

- ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўкув фанлари бўйича назарий ва амалий машғулотларни ўtkазиш қобилиятига эга бўлиши;*
- ўкув фанларини ўқитиши услубиётини эгаллаши;*
- замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб ўкув машғулотларини ўtkazish қобилиятига эга бўлиши;*
- ўқитилаётган фанлар бўйича дарсларни ўtkazish учун зарур бўлган ўкув-услубий хужжатларни тузиш, тайёрлаш ва расмийлаштириш қобилиятига эга бўлиши;*
- ўқитилаётган фан бўйича машғулотларни ўtkazish учун ўқитишнинг техник воситаларидан фойдаланиш қобилиятига эга бўлиши;*

– мустақил таълим ва ижодий қидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги услублар, воситалар ва шакллар тизимида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш қобилиятига эга бўлиши кенг ёритилган.

Шу жумладан касбий психология фанининг аҳамияти ва моҳияти, касбий психологиянинг илмий-тадқиқот услублари, касбий психологияга оид олиб бориладиган маслаҳат турлари, касбий саралаш ва касб танлашга йўналтиришнинг психологик ёндошув, касбий таълимнинг ривожланиши, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», таълим жараёнининг узлуксизлиги ва давомийлиги,

касбий таълимнинг информацион-техник асослари, замонавий информацион таълим технологиялари, таълим технологияси фани моҳияти ва ҳар томонлама етук шахс тарбиялашда таълим технологияларнинг мақсади, мазмуни, усуслари, касбий таълим методикаси фани мазмуни, мақсади, вазифалари, ўқув режалари, дастурлари, махсус фанларни ўқитиш услублари ва унинг тамойилларини шакллантириши инобатга олинган.

Ўқув жараёнини педагогик кадрлар билан таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган малака талаблари ҳозирги даврга мос равища тузилган ва *5111000-Касб таълими (5510100 – Даволаи иши)* бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари истеъмолчилар эҳтиёжларига мос келади.

Олмазор тумани, Олмазор
тиббиёт коллежи директори



Ж.З.Хакимов

**5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим
йўналишининг малака талабларига
ТАҚРИЗ**

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг фан ва соғлиқни сақлаш соҳаларига тегишли йўналиш бўлиб, соғлиқни сақлашни бирламчи тизими муассасаларида, аҳоли ўртасида кенг тарыалган касалликларнинг тарқалишини олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғибот қилиш, касалликларни ташхислаш ва даволашнинг замонавий усулларидан кенг фойдаланган ҳолда bemорларнинг тиббий муаммолари бўйича асосий вазифаларни ҳал қилиш, тиббиёт соҳасида тиббий-ижтимоий вазифаларни бажариш бўйича юқори малакали мутахассисларни тайёрлайди.

5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналиши бўйича таҳсил олган мутахассислар аҳоли саломатлигининг ҳолатини, инсоннинг жисмоний ривожланиши, демографик жараён ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-иктисодий омилларни ўрганиб ва шу маълумотларга асосланиб ўз фаолиятини олиб боради.

Бундан ташқари оила шифокори соғлиқни сақлашни ташкил этиш, режалаштириш, молиялаштириш, бошқариш ва соғлиқни сақлаш иктисодиёти каби масалаларига ҳам ўз хиссасини қўшади.

Демак, ҳозирги кунда энг долзарб масалалардан бири бу Соғлиқни Сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида замон талабларига жавоб берувчи тиббий ёрдам кўламини ҳамда умумий амалиёт шифокорларининг назарий, амалий ҳамда илмий салоҳиятини оширишdir.

Малака талабларида бакалавриат таълим йўналиши битурувчиларининг аҳолига юқори малкали тиббий ёрдам кўрсатишлари учун асос бўлувчи барча асосий ва мақсадга йўналтирилган фаолият турлари: тиббий-профилактик, тезкор ва шошилинч тиббий ёрдам, ташхислаш ва даволаш, реабилитация,

тиббий-ижтимоий, ташкилий- бошкарув, илмий-тадқиқот фаолиятлари кенг ёритилган.

Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйилган умумий талаблар тиббиёт соҳасида долзарб бўлган ва аҳолига юқори малакали тиббий хизмат кўрсата олишга замин яратадиган фанларга оид назарий, амалий билим ва кўнижмаларни ўз ичига олган.

Тошкент тиббиёт академияси профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – Даволаш иши бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва олий таълим соҳасини тартибга солувчи бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилган.

**Тошкент шаҳар, Олмазор тумани
16 сонли оиласий поликлиникаси
бош шифокори**

Мирзаева Д.О.



**СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ЙЎНАЛИШИ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАРИНИНГ ЎҚУВ-УСЛУБИЙ
БИРЛАШМАСИ МАЖЛИС
БАЁНИ**

Тошкент ш.

«18» июн 2015 й.

Раис: Даминов Б.Т. - соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича олий таълим йўналишлари ва мутахассисликларининг ўқув-услубий бирлашмаси раиси
Котиба: Абдураззоқова З.К.

ҚАТНАШДИЛАР:

Тешаев О.Р. – ТТА ўқув ишлари проректори, Искандаров А.И. – ТПТИ ўқув ишлари проректори, Юлдашев З.А. – ТошФармИ ўқув ишлари проректори, ўқув-услубий бўлим бошлиқлари, етакчи профессор-ўқитувчилар

КУН ТАРТИБИ:

5510100 – Даволаш иши, 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари бўйича ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўқув режалари муҳокамаси

ЭШИТИЛДИ:

Кўрилаётган масала бўйича ТТА ўқув ишлари проректори О.Р.Тешаев академия профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари Малака талаблари ва ўқув режалари бўйича ахборот берди: мазкур Малака талаблари ва ўқув режалари олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори, Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича ДТС асосида тайёрланган.

ТТА ва ТПТИ ўқув-услубий бўлим бошлиқлари Ф.Х.Азизова ва Н.В.Агзамовалар таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўқув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзgartириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарорига мос равишда ишлаб чиқилганлиги ва бунда турдош олий таълим муассасаларининг таклифлари инобатга олинганлиги ҳақида тўхталиб ўтдилар.

Олий таълимнинг соғлиқни сақлаш билим соҳаси бўйича ижодий ишчи гурӯҳ раҳбари Тешаев О.Р. ТТА профессор-ўқитувчилари томонидан ишлаб чиқилган 5510100 – Даволаш иши, 5111000 – касб таълими (5510100 – даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши, 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишлари Малака

талабалари ва ўкув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиққа киритиш таклифини берди.

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. ТТА профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланган 5510100 – Даволаш иши, 5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаш иши), 5510300 – Тиббий профилактика иши, 5510700 – Олий ҳамширалик иши 5510800 – Ҳарбий тиббиёт таълим йўналишларининг Малака талаблари ва ўкув режалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 январдаги “Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимнинг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 3-сон қарори меъёрларига қатъий амал қилинган холда ишлаб чиқилганлиги ҳамда асосий кадрлар истеъмолчилари бўлган вазирлик, идоралар ва Фанлар Академиясининг тармоқ ИТИларида экспертизадан ўтказилганлиги белгилаб қўйилсин.
2. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларида турдош ОТМларининг таклиф ва эътиrozлари инобатга олингандиги эътироф этилсин.
3. Ишлаб чиқилган Малака талаблари ва ўкув режаларини ўрнатилган тартибда тасдиқлаш учун вазирлик хузуридаги Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш марказига тақдим этилсин.

Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича
олий таълим йўналишлари ва
мутахассисликлари ўкув-услубий
бирлашмаси раиси

Котиба



Даминов Б.Т.

Абдураззакова З.К.

**5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволашиши) таълим йўналишининг малака талабларини
халқаро миқёсидаги бошқа таълим стандартлари билан қиёсий таққослаш**

| № | Таълим жараёни | Ўзбекистон Республикаси | Америка Құшма Штатлари | Австралия |
|----|--|---|--|---|
| 1. | Бошланиши | 9 йил ўрга таълим мактаби, 3 йил ўрга маҳсус таълими | 12 йил мактаб (давлат ёки хусусий мактаблар 3 йил тиббиёт коллеки | 12 йил мактаб (давлат ёки хусусий мактаблар 3 йил тиббиёт коллеки |
| 2. | Тиббиёт соҳасида таълим жараёнининг давомийлиги | 5 - 7 йил | 4 йил | 4 йил |
| 3. | Ўтиш жойлари | Тиббиёт олийгоҳлари, республика даволаш-профилактика муасссалари, оиласвий поликлиника ва қишлоқ врачлик пунктлари, диспансерлар. | Университет қошидаги тиббиёт факультетлари, оиласвий амалиёт маркази, асосий клиника ва унинг филиаллари, асосий клиникага яқин жойлашған даволаш ташкилотлари ҳамда хайрия марказларида | Университет қошидаги даволаш муассасалари, тиббиёт кафедралари ва поликлиникалари, тиббиёт ўкув марказлари, асосий клиника ва унинг филиаллари, ҳамда хайрия марказларида |
| 4 | Таълим берувчилар | Тиббиёт олийгоҳи дипломига эга профессор-ўқитувчилар, малака ошириш курсини туттаган олий маълумотта эга бўлган-шифокор-ўқитувчилар | Университет қошидаги тиббиёт факультетлари ўқитувчилари, мутахассислар, асосий клиника ва унинг филиаллари мутахассислари. | Университет қошидаги даволаш муассасалари, мутахассислари, ўкув марказлари ўқитувчилари. |

Таълим жараёнинг мазмуни ва давомийлиги

| Узбекистон Республикаси | | Америка кўшма штатлари | | Австралия | |
|---|---|---|--|--|---|
| | Муддати | | Муддати | | Муддати |
| 1.Гуманитар ва ижтимоий-иктисодий фанлар 2.Математик ва табиий-илмий фанлар | 1-2 курс давомида | Асосий фанлар 1. Одам анатомияси (асосий) 2. Клиник амалиёт (шифокор назоратида) | 1-2 йил давомида 500-даражали курс Йил давомида | 1. Ўқув жараёни ва касб асослари бўйича маълумотлар 2. Асосий фанлар 1.Одам анатомияси (асосий), иммунитет, инфекция ва яллигланиш 2. Клиник амалиёт (шифокор назоратида) | 1-2 йил давомида Йил давомида |
| 3.Танишув амалиёти 4.Кичик тиббий ходим амалиёти | 1 ой 1 ой | | | | |
| 1.Умумкасбий фанлар: Суд тиббиёти ва тиббиёт хуқуки Фармакология Жамоат саломатлиги ва соғлиқни саклашни бошқариш. Эпидемиология. Харбий эпидемиология Шифокор ва бемор Ички касалликлар пропедевтикаси Ички касалликлар. Фтизиатрия Халк тиббиёти, шифокор назорати, даволовчи жисмоний тарбия ва физиотерапия. Эндокринология Гематология ва харбий дала терапияси. Лаборатория иши Касб касалликлари | 3-5 курс /соат 135 220 355 85 55 245 540 190 110 165 220 | Клиник фанлар: Клиник практика 3 йил: Оилавий тиббиет Ички касалликлар Акушерлик/ Гинекология Педиатрия Психиатрия Хирургия | 600 даражали курс (6 хафта) 12 кредит (12 хафта) 24 кредит (6 хафта) 12 кредит (6 хафта) 12 кредит (6 хафта) 12 кредит (6 хафта) 12 кредит | Клиник фанлар: Гастроэнтерология ва овкатланиш Репродуктив тиббиет ва Урология Мушак-сүяк тизими Неврология ва ёндош фанлар Онкология Бемор парвариши | 6 хафта 7 хафта 7 хафта 11 хафта 4 хафта 4 хафта |

| | | |
|---|------|--|
| | | |
| Клиник фармакология | 84 | |
| Юкумли касаллуклар. Болалар юкумли касаллуклари. | 190 | |
| Тери-таносил касаллуклари, ОИТС | 270 | |
| Асаб касаллуклари | 190 | |
| Психиатрия ва наркология. Тиббиёт психологияси | 220 | |
| Болалар касаллуклари. Неонатология | 270 | |
| Нур диагностикаси ва терапияси | 642 | |
| Тиббий генетика | 85 | |
| Клиник аллергология | 55 | |
| Оператив жарроҳлик ва топографик анатомия | 55 | |
| Умумий жарроҳлик | 165 | |
| Хирургик касаллуклар | 190 | |
| Акушерлик ва гинекология | 470 | |
| Халокат тиббиёти | 298 | |
| Шошилинч холатлар. Тез тиббий ёрдам | 54 | |
| Нейророжарроҳлик | 135 | |
| Болалар жарроҳлиги | 80 | |
| Урология | 135 | |
| Травматология ва ортопедия. Харбий дала жарроҳлиги. Болалар травматологияси | 135 | |
| Онкология. Болалар онкологияси | 190 | |
| Анестезиология ва реанимация | 135 | |
| Оториноларингология, стоматология | 55 | |
| Офтальмология | 216 | |
| | 165 | |
| 1.Хамширалик амалиёти | 1 ой | |
| 2.Шифокор ёрдамчиси амалиёти | 1 ой | |

| | | |
|--|---------------------------------------|---------|
| | | |
| | Селектив курс | 12 соат |
| | Эндокринология ва метаболизм | 6 хафта |
| | Юрак-қон томир тизими касаллуклари | 6 хафта |
| | Пульмонология | 4 хафта |
| | Нефрология | 4 хафта |

| | | | | | |
|---|----------------|---|--|---|------------------------------|
| 1.Ихтисослик фанлари | 6-7 курс /соат | Клиник амалиёт Шошилинч тиббиёт | 3-4 ўкув йили (4 хафта) 8 кредит | Клиник муаммолар блоки Интеграциялашган умумий марказларда амалиёт | 3-4 ўкув йили 12 хафта |
| Ички касаллуклар. Реабилитология | 794 | Реабилитация/ Сурункали касаллуклар билан касалланган беморларни парвариш қилиш | (4 хафта) 8 кредит | | |
| Хирургик касаллуклар | 260 | Неврология | (4 хафта) 8 кредит | Терапия | 36 хафта |
| Акушерлик ва гинекология | 290 | Кўшимча фанлар Нейрохирургия | (4 хафта) 8 кредит | Акушерлик ва гинекология | 6 хафта |
| 2.Кўшимча фанлар | 632 | Хирургиядан селектив курслар | (4 хафта) 8 кредит | Педиатрия | 8 хафта |
| Ҳарбий тиббий тайёргарлик, ФМ ва ФМТХ | | | | Психиатрия | 6 хафта |
| 3.Умумий шифокори амалиёти ёрдамчиси | 1 ой | | (4 хафта) 8 кредит | Оилавий тиббиет | 8 хафта |
| 4.Умумий шифокори амалиёти | 1 ой | | | Хирургия | 6 хафта |
| Танлов фанлари | 85 соат | Бошка селектив курслар | (16 хафта) 32 кредит | Клиник селектив курслар | 8 хафта |

5111000 – Касб таълими (5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаи иши)) бакалавр йўналиши бўйича ишлаб чиқилган малака талабларининг ишлаб чиқилишига тушунтириш хати

5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) бакалавр йўналиши бўйича малака талабларини ишлаб чиқиша қуидаги меъёрий-хукуқий хужжатлар асос қилиб олинди:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни. Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури». Тошкент, 1997 й., 29 август №463-1.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сонли қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрелдаги “Давлат бошқарув соҳасида кадрлар тайёрлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ- 4435- сонли Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида» 2012 йил 24 июлдаги ПФ-4456-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги “Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1875-сонли қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 26 марта ғи “Ахборот- коммуникация технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1942-сонли қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги «Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида»ги 5 – сонли қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 343-сонли қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2004 йил 20 июлидаги 341-сонли қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги “Олий ўқув юртидан кейинги таълим ҳамда олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 365-сонли қарори.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 199-сонли қарори.

13. РСТ Уз 1.1-92 ГСС Уз. Порядок разработки, согласования, утверждения и регистрации государственных стандартов Узбекистана.

14. O'zDSt 1.0:1998. Ўзбекистон Республикаси стандартлаш давлат тизими. Асосий қоидалар;

15. O'z DSt 1.9-95. Ўзбекистон стандартлаштириш давлат тизими. Тармоқ стандартларини ишлаб чиқиш, келишиб олиш, тасдиқлаш ва рўйхатга олиш тартиби

16. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 4 июлдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 281-сонли буйруғи.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 18 июндан “Янгиланган «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»ни ижро ва амалда фойдаланиш учун қабул қилиш тўғрисида”ги 302-сонли буйруғи.

18. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 8 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 190-сонли буйруғи.

19. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2012 йил 14 ноябрдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 446-сонли буйруғи.

20. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2013 йил 14 майдаги «Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификатори»га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 158-сонли буйруғи.

21. ООО «SERT AKADEMIE»нинг ISO 9001:2008 Халқаро стандарти

5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаи иши) бакалавр йўналиши бўйича МТ “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга, ҳамда таълимни ривожлантиришга йўналтирилган Президент фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорларини амалга оширилишни мукаммаллаштиришга қаратилди;

МТ дастурида мустақиллик, демократия, бой миллий ва маънавий анъаналар, халқнинг теран интеллектуал имкониятлари ва умумисоний қадриятлар тамойиллари ҳисобга олинди;

МТ асосида таълим олувчиларда чукур билим, мустақил фикрлаш, юксак касбий малакавий кўникма шаклланиши таъминланади;

Ушбу МТ халқаро миқёсида тан олинган тиббиёт олий ўқув юртлари тажрибалари, замонавий техника ва технологиялар, фаннинг ривожланиш даражаси ва ютуклари, иқтисодиёт устуворлиги шароитида кадрларга нисбатан амалиётда қўйиладиган талаблар ҳисобга олинган ҳолда илмий асосланган;

Таълим турлари ва босқичлари бўйича йўналиш талабларининг келишилганлиги, узвийлиги ва изчилиги, шахснинг ҳар томонлама ривожлани

шига йўналтирилганлигини ҳисобга олган ҳолда, уни ишлаб чиқиша барча талаблар мужассамлигини таъминлашга қаратилди;

Ўкув юкламаси оддийдан мураккабга ўзгаришига эришилганлиги натижасида таълим олувчиларнинг қобилиятлари ва эҳтиёжларига боғлиқ равишда таълимни табақалаштириш имкониятлари ҳисобга олинди;

Таълим олувчилар ва битиравчиларни тайёрлаш, таълим фаолиятининг сифатини баҳолаш мезонлари ва тартиботи белгиланган меъёр-қоидаларга мослигига эришилди;

МГ да таълим олувчилар келгуси касбни эгаллаш ҳамда юқори малакали мутахассис сифатида фаолият юритиши учун билим, кўникма ва малакалари мутахассислик талабларига мос равишда ёритилди.

5111000 – Касб таълими (5510100 – Даволаи шии) бакалавр йўналиши бўйича малака талаблари Ўзбекистон Республикаси давлат стандартлаш тизими қоидалари талабларини тўлиқ қониқтиради.

Ўкув ишлари бўйича проректор,
профессор

О.Р.Тешаев

